

УДК 511.6.315.526

А.Қосимов, Б.Қосимов, Х.Эгамов, И.Абдурахмонов, Ш.Бахромов,

ПСУЕАИТИ Андижон ИТС

A. Qasimov, B. Qasimov, H. Egamov, I. Abdurakhmanov, Sh. Bakhromov,

SRICSSGSRISSA Andijan Scientific Experiment Station

**STUDY OF FOREIGN SPECIMENS BELONGING TO THE SPECIES
OF GOSSIPIUM XIRZITUM**

Annotation: useful signs of foreign samples studied in 2022-2023 for the economy are presented.

Key words: new varieties, rapid growth, pests, selection.

**ГОССИПИУМ ХИРЗИТУМ ТУРИГА МАНСУБ ХОРИЖИЙ
НАМУНАЛАРНИ ЎРГАНИШ**

Аннотация: 2022-2023 йилларда ўрганилган хорижий намуналарнинг хўжаликка фойдали белгилари келтирилган.

Калит сўзлар: янги навлар, тезпишар, серхосил на, зараркурандалар, селекция.

ПСУЕАИТИ Андижон илмий тажриба станцияси, Асака Ўзбекистон пахтачилигининг ривожланишида янги навларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга ўз вақтида жорий қилиб бориш алохида ахамиятга эга. Ушбу масалани самарали хал қилиш учун селекционерлар Ўзбекистоннинг турли тупроқ-иклим шароитига мос, тезпишар, серхосил, толаси сифатли ва юқори чиқимли, қишлоқ хўжалик зараркурандалари ва касалликларига чидамли, янги навларни яратишлари ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш лозим. Бундай навларни яратиш учун ғўзанинг ёввой , ярим ёввойи ва маданий турларидан, яъни коллекция материалларидан фойдаланиш ижобий самара беради. Тадқиқот 2023 йилда ПСУЕАИТИ Андижон илмий тажриба станциясида олиб борилди. Вариантлар бир қаторли, 40 уяли, 90x20-1 тартибда уч қайтариқда, андоза сифатида Андижон-35 нави экилди. Агротехника ишлари станцияда қабул қилинган умумий

қоидага асосан ўтказилди. Амал даврида ЎзПТИ да қабул қилинган дала тажрибаларини ўтказиш услублари (2007) асосида олиб борилди. Тажриба учун хорижий намуналардан 13 таси ажратиб олиниб ўрганилди. Хар бир вариантдан 50 донадан кўсак пахтаси намуна сифатида териб олинди. Улардан лаборатория тахлилида бир кўсак пахта вазни, тола чиқиши, узунлиги ва бошқа белгилар аниқланди.

Тадқиқот натижалари

Тажрибадаги хорижий намуналарнинг 1-июнь фенологик кузатувида (1-жадвал) куйидаги маълумотлар аниқланди. Ўсимликлар бўйича ўсишда хорижий намуналар орасида 824, 118, 16, рақамлилар андозага нисбатан юқори бўй кўрсатдилар. Тажрибадаги намуналар орасида чин барг хосил қилишда катта фарқ кузатилмади. Тажрибадаги ўсимликларнинг 1-июль кузатувида бўйига ўсишда хорижий намуналардан 2400, 118, 2235, 1972, 762, 14 рақамлилар андозага нисбатан 1-2 дона кўп хосил шох чиқариши маълум бўлди. Ўсимликлар орасида хосил элемент пайдо қилишда хорижий намуналар орасида 824, 2235, 1728, 2086, 1899, 2796 рақамлиларда андозага нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

Тажрибадаги намуналарни 50 фоиз гуллаш муддати кузатилганда кўпчилик намуналар андозага нисбатан 1-3 кун эрта гуллаши маълум бўлди.

1-жадвал

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши.

№	Каталог рақами	Келиб чиқиши	1.06		1.07			50 фоиз гуллаши кун
			Бўйи см	Чин барги дона	Бўйи см	Хосил шохи дона	Хосил элементи дона	
1	Андижон-35		14,2	9,2	60,7	9,4	9,7	73
2	2400	Бразилия	14,2	9,5	63,0	10,6	7,6	71
3	824	-----	14,4	9,5	60,0	9,4	11,4	73
4	118	Индия	18,0	9,7	66,2	11,3	8,8	74

5	2235	-----	14,2	9,1	62,6	10,0	11,1	71
6	1727	Австралия	13,7	8,8	57,5	9,2	9,7	73
7	1728	-----	12,1	8,0	58,2	8,7	10,8	72
8	1972	Китай	13,8	9,0	61,5	10,3	8,5	73
9	2086	-----	13,0	8,8	59,5	9,4	10,1	71
10	762	Болгария	11,9	7,8	57,0	10,0	7,0	72
11	1899	-----	12,3	8,3	57,5	9,0	12,5	73
12	14	США	13,6	9,5	66,0	10,0	9,3	73
13	16	-----	14,4	8,8	59,0	8,5	8,6	72
14	2796	Центр.Африка республикаси	13,6	8,5	61,0	9,8	10,5	71

Ўсимликларнинг 1-август кузатувида (2-жадвал) хорижий намуналар орасида бўйига ўсишда 2400, 824, 1972, 762 рақамлилар андозага нисбатан юқори бўй кўрсатдилар. Хосил шох пайдо қилишда хорижий намуналар орасида бу кўрсаткич 824, 118, 1972, 762, 1899 рақамли навларда андозадан 1-2 дона кўп хосил шох бўлиши кузатилди.

Хосил элементлари хосил қилишда хорижий намуналарнинг кўпчилиги андозага нисбатан сезиларли даражада (1-9дан) юқори натижа кўрсатдилар. Хар бир ўсимликда хосил бўлган кўсаклар сони бўйича хорижий намуналардан 2400, 1727, 1972, 2086, 762 рақамли намуналарда андозага нисбатан юқори бўлиши маълум бўлди. Ўсимликларнинг 50 фоиз очилиши кузатилганда. Намуналар орасида бу кўрсаткич 2400, 824, 2235, 1972, 762, 1899, 14, 16, 2796 рақамлиларда 1-3 кун эрта очилиши намён бўлди.

1-сентябрь кузатувида хар бир ўсимликда кўсак сони жихатидан хорижий намуналардан андозага нисбатан 824, 1972, 762 рақамлиларда 1-2 дона юқори эканлиги кузатилди. Хар қайси ўсимликда очилган кўсаклар сони бўйича хорижий намуналарда бу кўрсаткич 824, 1972, 16 рақамли намуналарда андозага нисбатан 1-3 дона юқори бўлса, қолган намуналарда бу кўрсаткич андозадан 2-5 дона кам бўлиши маълум бўлди.

2-жадвал

Нав ва тизмаларни ўсиши ва ривожланиши.

№	Каталог рақами	1.08				50 фоиз очи- ши кун	1.09	
		Бўйи см	хосил шохи дона	хосил элементи дона	кўсак ўс/д		кўсак ўс/д	Очил- гани ўс/д
1	Андижон-35	101,4	12,2	13,6	10,5	120	18,7	11,6
2	2400	110,0	12,1	22,3	11,2	119	18,1	11,6
3	824	118,0	14,1	14,5	7,3	118	19,5	12,6
4	118	94,5	13,6	11,7	6,9	124	13,3	9,5
5	2235	99,5	12,4	12,0	7,3	118	15,5	9,2
6	1727	96,5	12,9	16,8	11,8	120	13,8	6,4
7	1728	99,5	12,1	13,1	86	121	15,0	6,0
8	1972	107,5	13,2	22,0	12,5	119	20,6	14,2
9	2086	101,5	11,2	13,7	11,4	120	16,0	8,8
10	762	105,0	13,1	19,3	12,0	118	19,3	8,1
11	1899	100,0	13,1	18,4	9,8	117	16,7	10,7
12	14	90,5	11,4	12,6	8,3	119	14,4	7,6
13	16	92,0	10,0	10,4	6,8	118	14,0	118
14	2796	97,0	11,8	14,6	8,4	119	12,5	8,7
15	3051	92,0	12,5	15,3	12,1	120	19,6	10,3
16	06273	101,0	12,8	15,0	8,6	119	24,2	14,4
17	06274	102,0	12,5	18,0	11,8	120	22,5	13,6
18	05341	101,5	12,8	14,4	8,3	121	14,6	9,6
19	05335	105,5	13,2	15,8	12,7	122	19,2	12,5

Тажрибадаги ўсимликларнинг хўжалик учун қимматли белгиларини таҳлил қилганимизда (3-жадвал) амал даврини кузатганимизда хорижий намуналарда 2235, 2086, 762, 14, 118, 1899 рақамлилар андозадан 1-3 кун эрталиги маълум бўлди. Ўсимликларни вилт билан зарарланишини кузатганимизда 1728, 1727, 14, 2400, 118 рақамли намуналар андозадан

кам касалланганлиги аниқланди. Қолган намуналарда андозадан юқори касалланиши маълум бўлди. Бир дона кўсак пахта оғирлиги бўйича хорижий намуналарда деярли барчасида андозадан паст бўлиши аниқланди. Тажрибада тола чиқиши тахлил қилинганда, хорижий намуналар кўрсаткич бўйича 762, 1899 рақамлилар андоза навдан юқори бўлганлиги номоён қилди.

Тажрибанинг якуний босқичи ҳисобланган ҳосилдорлик яъни бир ўсимлик маҳсулдорлиги тахлил қилинганда хорижий намуналар орасида бир ўсимлик ашёси бўйича 762, 1899, 727, 1728, 118, 1972, 2086, 14 рақамли намуналар андозадан юқори кўрсаткич номоён қилиб пешқадамлик қилдилар.

3-

жадвал. Хорижий намуналарнинг хўжалик учун қимматли белгилари

№	Каталог рақами	Хорижий намуналар келиб чиқиши	Амал даври	Вилт умумий фоиз	Бир ўсимлик ашёси	Бир кўсак пахта вази	Тола чиқиши фоиз	Тола узунлиги мм
1		Андижон-35 андоза	123	6,5	78,3	6,2	36,5	32,8
2	2400	Бразилия	125	6,2	71,4	5,8	32,8	32,6
3	824	-----	124	7,5	66,2	6,2	32,6	33,4
4	118	Индия	122	6,6	80,9	6,3	32,4	32,5
5	2235	-----	120	7,2	72,0	5,4	34,6	31,9
6	1727	Австралия	123	4,7	86,2	5,7	36,3	31,5
7	1728	-----	125	3,5	83,3	5,3	34,3	32,3

8	1972	Китай	124	7,0	80,7	5,7	34,0	32,5
9	2086	-----	121	6,8	80,6	5,4	35,6	30,3
1 0	762	Болгария	120	8,5	85,7	6,4	37,1	32,0
1 1	1899	-----	122	7,4	83,1	5,3	37,5	31,2
1 2	14	США	121	5,4	80,4	5,4	35,7	33,0
1 3	16	-----	123	6,7	74,2	5,6	36,0	33,4
1 4	2796	Центр.Аф. Республика си	124	8,6	76,9	5,5	33,3	32,0

Юқоридаги маълумотлар асосида хўжалик учун қимматли белгилари бўйича ижобий натижалар берган хорижий ғўза намуналаридан селекция жараёнида дурагайлаш ишларида фойдаланиш тавсия этилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Саакова. С., Хўжамберганов. Н., Намозов. Ш. «Янги ғўза навлари-мўл ва сифатли хосил гарови». Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2002, №3, 50- б.

2. Эгамов Х., А Қосимов., И Абдурахмонов., Мўйдинов О. Янги навлар ишлаб чиқаришга! Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш итиқболлари номли Республика илмий-амалий анжумани илмий материаллари, Тошкент 2015, 538-540 -б.